ФАНЛАРАРО ИНТЕГРАЦИЯ ТАРИХИГА БИР НАЗАР

Г.ИСМОИЛОВА

В статье освещена история возникновения и развития идеи интегрированного обучения, его роль в воспитании гармонически развитого поколения.

In this article was given the history of beginnings and development ideas integrated teaching, its role in training harmonically development of generation.

Интеграция жараёнининг педагогик ғояси ривожланишига илмий билишнинг ривожланиши катта таъсир кўрсатган. Илмий билимлар интеграцияси янги жамият тузиш шароитида ғоядан қонунга айланди. Интеграция дифференциация билан чамбарчас боғлиқдир. Бу жараёнлар ўқув фанлар тизими тузилишида ва ўқувчилар билимларини умумлаштириш услубларини излашда ўз аксини топади. Илмий адабиётларда фанлараро боғлиқлик билан интеграция тушунчаси бир маъно мазмунга эгадек туюлади, лекин «интеграция фанлараро боғлиқликдан кўра анча кенг тушунча бўлиб, фанлараро боғлиқликнинг энг юқори даражасидир»[1.150-154]

Юқорида айтилганлардан келиб чиққан ҳолда шуни айтиш мумкинки, интеграция жараёнининг асослари классик педагогиканинг узоқ ўтмишига бориб тақалади ва фанлараро алоқалар ғояси билан боғланади.

Фанлараро алоқалар ғояси табиатнинг бутунлигини ўқув материаллари мазмунида акс эттиришдан келиб чиқади. Буюк дидактик Ян Амос Коменский “Ўзаро алоқада бўлган ҳамма нарса ҳудди шу алоқада ўқитилиши керак”, - деб таъкидлайди [2.48].

Фанлараро алоқалар ғояси масаласига фаннинг турли сатҳ тадқиқотчилари: кўпгина педагоглар ва олимлар мурожаат этдилар.

И.Г.Песталоцци – катта дидактик материалда ўқув фанлари алоқаларининг турли хиллигини кўрсатиб берди. Шунингдек, фанлараро алоқаларнинг психологик-педагогик асосларини К.Д.Ушинский (1824-1870) ёритиб берди. К.Д.Ушинский ғояларини В.Я.Стоюнин, Н.Ф.Бу-наков, В.И.Водозов ва бошқалар давом эттирдилар. Улар фанлараро алоқаларни методик жиҳатдан ишлаб чиқдилар. Педагогика фанида таълимда интеграция ва фанлараро алоқадорлик муаммоси И.Д.Зверев, М.А.Да-нилова, В.Н.Максимова, С.П.Баранов, Н.М.Скаткина, психолог олимлар Е.Н.Кабанова-Меллер, Н.Талзина, Ю.А.Самарин, Г.И.Вергелис томонидан ўрганилган. Шуни таъкидлаш жоизки, она тили таълим тизимида бу долзарб муаммо кўплаб методист олимларнинг ишларида у ёки бу кўринишда ишланди. Рус тили методист олимларидан М.Р.Львова, В.Г.Горецкова, Н.Н.Свет-ловская, Ю.М.Колягин, Г.Н.Приступ ва бошқаларнинг ишларида ўз аксини топди.

Т.Л.Рамзаев, Г.Н.Аквилев, Н.Я.Виленкин, Г.В.Бельюноваларнинг ишлари бошланғич мактабда фанлараро ва фанлар ичидаги алоқалар муаммосига бағишланган. Интеграция жараёни ҳақида И.Богуславскийнинг “Боладан – дунёга, дунёдан – болага” номли мақоласини ўқиб чиққач, янада кенгроқ маълумотга эга бўлишимиз мумкин. Мақолада, “19-асрнинг ўрталаридаёқ мактаб таълимида бола тамонидан дунёни бутунлигича қабул қилиниши табиийлиги ва унинг сунъий тарзда фанларга бўлиниши орасида катта қарама-қаршилик борлиги маълум бўлган”, - деб ёзилади.

XX аср охирларида мамлакатимиз педагогикасида ҳам таълимни интеграциялаш йўлида кўпгина самарали изланишлар олиб борилди. Жумладан Т.Н.Нуриддинов, М.Жуманиёзова, Б.С.Абдуллаева, Ш.Юсупова, Ш.И.Мамараджабов, А.Ч.Чориев, А.А.Саломов, О.И.Авазбоев каби олимларимизнинг ишларини алоҳида таъкидлашимиз мумкин. Жумладан О.И.Авазбоев «Ўқув предметлари мазмунини интеграциялаш асосида меҳнат ва касб таълими ўқитувчиларининг тайёрлашни такомиллаштириш» номли тадқиқот ишида интеграциялаш турларини таҳлил қилади ва унинг ўзига хослигига тўхталади. У интеграцияда қатнашувчи омилларнинг турли-туманлиги боис дидактик интеграция тузилмасининг қуйидаги турлари мавжудлигини таъкидлайди:

- интеграциянинг умумметодологик турида умум гуманитар фанлар ўртасида интеграциялаш кўзда тутилади;

- интеграциянинг умумилмий тури. Бунда фанларнинг ўзаро алоқасининг узвийлиги, тизимли тузилиши, функционал, методик ва бошқа қатор умумилмий ёндошишларни ўз ичига олади;

- интеграциянинг хусусий илмий тури. Бундай интеграциялашда асосан маълум бир туркум предметлари ўртасидаги интеграция кўзда тутилади;

- интеграциянинг муаммоли тури. Бунда ўқувчилар олдига қўйилган хусусий, илмий, техникавий ёки технологик муаммони ечиш учун бошқа фанлар ютуқларидан фойдаланиш кўзда тутилади [3.73].

Педагогика фанлар доктори, профессорлар Р.А. Мавлонова. Н.Х.Рахмонқуловаларнинг “Бошланғич мак-табнинг интеграциялашган педагогикаси” номли китобида бошланғич мактабда интеграциялашган таълим масалалари ёритилади. Мазкур китобда фанларни бир-лаштириш ғояси илгари сурилади. Уларнинг фикрича, бошланғич мактабда билимнинг 2 соҳаси 1-ўринни эгаллаши керак: 1- табиатшунослик-болани ўраб турган табиат билан таништириш, 2- жамиятшунослик – одам-лар, жамият, муассаса ва мажбуриятлар билан таништиришдир. Шунингдек, гуманитар ва табиий фанлар ўртасидаги “чуқур ва кенг” алоқалари тарих, география ва табиатшунослик билан грамматика ва ариф-метиканинг билимнинг тегишли соҳаларидан олинган материаллари орқали бошқа фанлар билан бир-

лашиш имкониятларини таъкидлайдилар. Шундай қилиб, бошланғич мактабда бошқа барча фанларни битта ўқув комплексига интеграциялаштирадиган “битта фаннинг”, яъни, дунёшуносликни ўқитиш ғояси илгари сурилади.

Фанлараро интеграциялашган таълим Вальдорф ўқитиш тизимини ёдга солади. Бу тизим олмон мутафаккири Рудольф Штайнер томонидан Германияда ишлаб чиқилган. Вальдорф мактабларидаги таълим жараёнида ўқитувчи бор йўғи уч марта ўзгартирилади. Илк тарбиячи мактабгача таълим муассасасида болани олти ёшгача тайёрлаб боради, 6 ёшдан эса бошқа муаллим дарс беради ва сўнгги мураббий ўсмирни 14 ёшдан қабул қилиб, унга 18 ёшгача таълим беради. Мутахассисларнинг айтишича, бундай тизим ўқитувчи билан бола ўртасида ишонч ва ҳурматни шакллантириб, мураббий унинг ҳақиқий оила аъзосига айланади. Қолаверса, ўқитувчи ҳам ўз ўқувчисининг етук ва илмли бўлиб етишишига астойдил ҳаракат қилади, чунки йиллар давомида биргина болалар гуруҳига дарс бериб бориш мобайнида унда ўқувчиларга нисбатан масъулият ҳисси янада ортади. Вальдорф мактабларида қишнинг кириб келиши, қорнинг эриши, мевалар пиша бошлаши, биринчи гулнинг очилиши каби баъзида эътиборимиздан четда қолган табиат ҳодисалари орқали ўқувчи қалбида муҳаббат, меҳр уруғи сочилади. Бунга бағишлаб байрамлар ўтказилади. Бундай байрамлар натижасида одам ва табиатнинг ўзаро чамбарчас боғлиқлиги ҳақидаги тушунча бола онгида секин – аста шаклланиб боради.

Бундай ҳолатни умумтаълим мактабларидаги 4-синф табиатшунослик фани орқали “Табиатни асранг” мавзусида ҳам фаоллаштирса бўлади. Бунда ўқувчи оламдаги экологик муҳитни асраш, она табиатни эъзозлаш, ер курасида бўлаётган турли ҳолатларини шеър, насрий баён, оғзаки тарзда баён этишлари мумкин бўлади. У орқали Орол денгизи Япониядаги зилзила ва тўфон оқибатлари, Роғуннинг минтақамизга умуман сайёрамизга кучли салбий таъсирини ўқувчи кўз олдига келтира олади. Ўқувчида она замин, осмон мусаффолигини асраш ҳислари жўш уради.

Ўқувчиларга билим бериш ва уни қабул қилиш уч босқич – кўриш, бошидан кечириш, ҳайратланиш тамойили асосида кечади. Мисол қилиб геометрия дарсини олишимиз мумкин. 1- синфда болалар геометрияни ўз тана тузилишлари, ҳаракатлари орқали ўрганиб борадилар. Аниқроқ айтадиган бўлсак, кичкинтойлар учбурчак, тўртбурчак, саккизбурчак шаклида юради, доира ичида ўйнайди, хуллас таналари ёрдамида геометрик шакл ясайдилар. Шундай йўл билан ўқувчилар «геометрия» сўзини билмаса-да, унинг мағзини тушуниб олишга эришадилар. 5- синфда айлана чизиб, ичини турли чизиқлар билан тўлдирадилар, охир оқибат қандайдир геометрик шакл пайдо бўлади, шунда ҳам улар ўрганаётган фанини номини билмайдилар. 6-синфга бориб, фан номи аниқлаштирилади. Илгари турли ўйинчоқлар ёрдамида у ёки бу шаклни қоғозга туширган бўлса, эндиликда геометрияда фойдаланиладиган асосий қуроллар - циркул ва чизғич ишга тушади. Айнан мана шу қуроллар ёрдамида қоғозга ўша таниш шакллар туширилади, болалар бундай машқни олдин ҳам турли ўйинлар давомида бажарганликларини тушуниб етадилар, албатта, улар учун бу қийинчилик туғдирмайди. Таълим беришнинг бу тарзда ўтиши юқорида келтирилган «кўриш, бошидан кечириш, ҳайратланиш» қонуниятига тўла мос келади. Яъни, геометрик шакл ҳисобланган айлана, даставвал, болага таништирилади – кўради; кейин унинг шаклини ўз танаси орқали ҳосил қилишга ҳаракат қилади, ундан турли бошқа шакллар ясайди – бошидан кечиради; сўнгги босқичда геометрия фани дарс жадвалига киритилади, дарсда айланага оид машқларни бажараётганда буларни илгари ҳам қилганини англайди – ҳайратланади. Йиллар давомида бир нарсани ҳар хил йўсинда ўрганган бола учун уларни эслаб қолиш анча осон кечади.

Дарсларни фанлараро интеграция асосида ташкил этиш натижасида ҳам ўқувчи биргина дарсда 2 ёки 3 та фанга оид билимларни эгаллайдилар. Масалан, 4-синф она тили дарслигидаги қуйидаги шеърни таҳлил қилиш орқали юқоридаги фикрларни исботини кўришимиз мумкин.

Япроқ

Нур эмишиб қуёшдан,
Япроқчалар яйрайди.
Бу қувончга қўшилиб,
Шохда булбул сайрайди. (Қамбар Ўтаев)

Ўқувчиларга қуйидаги топшириқ берилади: Ҳаракатни билдирган сўзларни сўроқлар ёрдамида аниқланг. Аниқланган сўзлар остига икки чизиқ чизинг. Улар нимаанинг ҳаракатини билдириши ҳақида сўзланг.

Ўқувчилар машқни бажарганларидан сўнг қуйидаги топшириқ берилади:

1. Япроқ, булбулнинг расмини чизиш ва бўяш;
2. Қайси фаслда япроқларнинг ранги ўзгаришини аниқлаш ва сабабини изоҳлаш;
3. Иссиқсевар қушларнинг номини ёзиш.

Бу топшириқлар шеърнинг мазмунини ўқувчилар онгли тушунишлари ва унда ифодаланган воқеани тасаввур қилишларига ёрдам беради. Бу эса билимларнинг такрорланишига ва уларнинг хотирасида яхши сақланишига сабаб бўлади. Энг муҳими дарс қизиқарли ўтади. Тўрт мисра орқали ўқувчи кўз ўнгида она табиат ва унинг рангли жилоси намоён бўлади. Табиатнинг рангли жилоси расмлар орқали фаслларга муҳаббат тушунчаларида ўз ифодасини топади.

Шундай қилиб, ўқув материали интеграциясига интилиш бутун жаҳон ва мамлакатимиз таълим жараёнининг асосий тендециясига айланиб бормоқда.

Ўқув фанлари интеграцияси мавзуси олимларимиз томонидан турли даражада ёритиб берилган. Бироқ бошланғич таълим она тили дарсларида интеграция йирик монографик планда ўрганилмаган. Шунинг учун ҳам интеграция фанлараро алоқаларнинг энг юқори даражадаги рўёбга чиқишини инобатга олган ҳолда мазкур мақолада интеграция жараёнининг яқин ривожланиш доираси ҳисобланган фанлараро алоқалар тарихини ёритиши ҳақида баъзи мулоҳазаларни билдиришга ҳаракат қилдик.

АДАБИЁТЛАР:

1. Браже Т.Г. Интеграция предметов в современной школе. // Литература в школе. – 1996.- № 5.- С.150-154
2. Бахарева Л.Н. Интеграция учебных занятий в начальной школе на краеведческой основе. // Начальная школа. - 1991.- №8.- С.48
4. Авазбоев И.О. Ўқув предметлари мазмунини интеграциялаш асосида меҳнат ва касб таълими ўқитувчиларини тайёрлашни такомиллаштириш: Пед.фан.номз... дис.- Т., 2001
5. Мавлонова Р.А., Раҳмонқулова Н.Х. Бошланғич мактабнинг интеграциялашган педагогикаси. - Т., 2002

Тошкент давлат педагогика университети
2011 йил 14 майда қабул қилинган
(Тақризчи: п.ф.д. Ш.Юсупова)